# Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 11 МАЙ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 96 (13.159)

Баҳоси эркин нархда


## МЕҲР-ОҚИБАТ – ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ НОЁБ ФАЗИЛАТИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган фикрлари жойларда қизиқиш билан ўрганилмоқда.***

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг изчил тараққиёти, халқимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, бу ютуқларнинг асосий омиллари ҳақида сўз юритди. Меҳр-оқибат – халқимизнинг энг олий, ноёб фазилати эканини алоҳида таъкидлади.

Ноёблиги шундаки, бошқа тилларда бу сўзнинг таржимаси йўқ. Олийлиги шундаки, меҳр-оқибат туфайли мамлакатимизда аҳиллик, тотувлик, тинчлик-осойишталик таъминланмоқда. Тинчлик – тараққиёт, барча ютуқ ва марраларимиз асосидир.

Халқимизнинг бағрикенглиги, олижаноблиги ва инсонпарварлиги Иккинчи жаҳон уруши йилларида яққол намоён бўлган. Юртдошларимиз фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган бир миллионга яқин болалар, аёллар ва қарияларни қабул қилган, уларга бошпана берган, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрган.

Халқимизнинг бу олижаноблигини ундан баҳраманд бўлган инсонлар ҳамон чуқур эҳтиром, миннатдорлик билан тилга олади.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида истиқомат қилаётган Нина Алимова ана шундай инсонлардан. Россия қишлоқларидан бирида туғилиб ўсган қизалоқ фашизмнинг беаёв даҳшатига гувоҳ бўлган, кўз ўнгида уйлари ёниб кул бўлган, ота-оналари отиб ташланган. Тасодифан тирик қолган болакай Тошкентга жўнатилган эшелонларга илиниб, бу ерга келиб қолган. Уларни бағрига олган оилалар ўз фарзандларидек оқ ювиб, оқ тараб катта қилганини бугун Нина буви мамнуният, миннатдорлик билан хотирлайди.

– Уруш бошланган йилнинг кеч кузи эди, – дейди Нина Алимова. – Ўша пайтдаги оч-наҳор, юпун ҳолимни эсласам ҳамон этим жунжикади. Тошкентга етиб келганимизда бу ерда нафақат одамларнинг меҳри, балки табиатнинг иссиқ тафти ҳам жонимга ҳузур бағишлагани ҳеч ёдимдан чиқмайди. Орадан шунча йиллар ўтса-да, мен ҳамон ана шундай илиқлик оғушидаман. Бу ерда мен Ватан топдим, ҳаловат топдим, бахт топдим. Шу боис танамда жоним бор экан, бу юртга, бу бағрикенг халққа доим таъзим қиламан.

Яшнободлик Аршалус Исроилова ҳам уруш туфайли юрагида қора доғ қолган, лекин шундай юртда яшашни тақдир насиб қилганидан мамнун онахон. Сочлари оппоқ бу аёл тарихнинг жонли гувоҳи. Отаси биринчи жаҳон урушида ҳалок бўлгач, онаси фарзандлари билан Фарғонага келиб қолган. Шу ерда қўним топиб, тинч ҳаёт бағрида фарзандларини камолга етказганида Иккинчи жаҳон уруши бошланган. Оиладаги ёлғиз ўғил урушга кетиб, орадан уч ой ўтгач, ундан "қора хат" келган. Бу жудоликка бардош бера олмаган она кўп ўтмай ҳаётдан кўз юмган. Аршалус ёш бўлишига қарамай, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган.

– Меҳр-оқибатли одамлар, ҳолимдан хабар олиб турган маҳалладошлар, менга доим тиргак бўлган жамоам ҳаётда ўз йўлимни топишимга ёрдам берган, – деб хотирлайди меҳнат фахрийси А.Исроилова. – Мен ўз ҳаётимни ош пиширса илинадиган қўшниларсиз, мана шу тинч юртсиз, беғубор ва мусаффо осмонсиз тасаввур қилолмайман. Баъзан ўзбек эмаслигим эсимдан чиқади, ахир менинг ўзбек набира-чевараларим бор, улар эшикдан "бувижон" деб кириб келади. Қўни-қўшни, маҳалла фаоллари, шу атрофдаги мактаблардаги ўқувчилар байрам бўлса, мени эсдан чиқаришмайди.

Чиндан ҳам Ўзбекистон ҳақида сўз кетса, унга бағрикенг диёр, деган таъриф берилади. Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилмоқда. Уларнинг барча ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмоқда. Миллий маданият марказлари фаолият кўрсатаётир. Ўтган йиллар ичида бу марказлар фаолияти ривожланиб, улар нафақат ҳар бир миллатнинг тилини, санъатини, маданиятини асрашга, балки юртимиздаги меҳр-оқибат муҳитининг янада мустаҳкамланишига, тинчлик ва барқарорликнинг бардавом бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Тинчлик-осойишталикда ҳалол меҳнат қилиб ризқ топиш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиб яшаш энг катта саодатдир. Фақат шундай жойдагина хайрли ишларга йўл очилиб, буюк бунёдкорлик ишлари рўёбга чиқади. Жаҳон аҳли ҳақли равишда эътироф этганидек, бу борада Ўзбекистонга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**2016 йил – Соғлом она ва бола йили**



## ОРАСТА ҚИЗЛАР – ЖАМИЯТ КЎРКИ

***Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" мажмуасида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Ораста қизлар" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.***

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, иқтидорини тўла рўёбга чиқариш, бандлигини таъминлашга қаратилаётган доимий эътибор навқирон авлод камолотида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади, дея хабар беради ЎзА.



Ислом Исмоилов олган суратлар

Бу йўналишда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий тузилмалари фаол қатнашмоқда.

Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, йигит-қизларнинг маънавиятини юксалтириш, ёшларни 12 йиллик таълимга тўлиқ қамраб олиш, ёшлар тарбиясида "оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. "Ораста қизлар" кўрик-танлови ҳам ана шу йўналишдаги муҳим вазифалар ижросини таъминлашга кўмаклашади.

Танловнинг шаҳар босқичида ҳар бир тумандан биттадан жамоа қатнашди. Улар "Ораста қизлар" тўгараклари томонидан "тенгдош-тенгдошга" тамойили асосида ўз ҳудудларида олиб борилаётган ишлар ва эришилаётган натижаларга оид тақдимотларни намойиш этдилар. Фаол жамоалар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир доирасида ҳунарманд ва тадбиркор аёллар фаолиятига оид кўргазма ҳам ташкил этилди.

**Б.ХИДИРОВА**

## "ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЯПТИ"

***Испаниянинг Толедо шаҳрида юртимизда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг амалиётга татбиқ этилишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонаси томонидан "HM Hospitales" университети клиникаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди.***

Учрашувда Толедо шаҳрининг ижтимоий муассасалари вакиллари, "HM Hospitales" университети клиникаси мутахассислари, докторант ҳамда талабалари қатнашди.

Улар "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган мақсад ҳамда вазифалар, мазкур дастур доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли тадбирлар билан яқиндан танишдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2016 йилни "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббуси мамлакатимизда "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси изчил амалга оширилишида навбатдаги муҳим босқични бошлаб берди.

Давра суҳбати чоғида ушбу Давлат дастури республикада соғлиқни сақлаш тизимини узлуксиз такомиллаштириш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ҳамда тизимли ишларнинг ўзига хос "йўл харитаси" сифатида хизмат қилаётгани эътироф этилди. Хусусан, мазкур муҳим ҳужжатда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга оид қонунчилик базасини такомиллаштириш, тиббиёт муассасалари моддий-техника асосини ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш сингари вазифалар назарда тутилган.

— Бугун ўтказилган анжуман туфайли биз Ўзбекистон соғлиқни сақлаш масалаларига, жумладан, соғлом авлод тарбиясига катта эътибор қаратаётганидан воқиф бўлдик, — деди **"HM Hospitales" клиникасининг институционал масалалар бўйича директори Мария-Луиза Кальдерон.** — Бу йўналишдаги ишлар изчиллик билан ва тизимли равишда олиб борилаётгани эътиборга молик. Мамлакатингиз мустақилликнинг тарихан қисқа давридаёқ барқарор ривожланиш соҳасида БМТнинг асосий мақсадларига эришиш йўлида муваффақиятли равишда ҳаракат қилмоқда. Ўзўзидан аёнки, бу жараёнда "соғлом миллат" тушунчасини чуқур ҳис қилиш катта аҳамият касб этади. Чунки оналик ҳамда болалик муҳофазаси масаласига алоҳида эътибор қаратмасдан туриб, соғлом миллатни шакллантириш мумкин эмас.

**"Жаҳон" АА.**
Мадрид

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида "Ўзбекистон ёшлари: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!" шиори остидаги ёшлар фестивалининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти", партиянинг Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан ташкил этилган тадбирда талабалар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.**

**• Термиз шаҳрида янги барпо этилган Хотира ва қадрлаш майдонининг очилиш маросими бўлди. Хотира ва қадрлаш майдонини барпо этиш учун 6 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди. Икки гектар жойни эгаллаган замонавий майдонда Мотамсаро она ҳайкали қад ростлади. Турли манзарали дарахт ва анвойи гуллар билан бурканган майдонда замонавий архитектура ва меъморлик анъаналарини мужассам этган кенг айвон барпо этилиб, алюминийдан тайёрланган махсус китоблар ўрнатилди.**

**• Бухорода Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилаётган "Юксак маънавиятли авлод" фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**• Самарқандда "Ҳамшира – 2016" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган ҳамширалар ўз маҳоратини намойиш этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Кеча Швеция пойтахти Стокгольмда "Евровидение" халқаро қўшиқлар танловининг дастлабки ярим финали бўлиб ўтди. Танлов ғолиблари 14 майда аниқланади.**

**• Кеча АҚШ конгрессига хакерлар ҳужуми уюштирилди.**

**• Кеча Хабаровскдан навбатдаги қутқарувчилар гуруҳи ўрмон ёнғинларини бартараф этиш учун Амур областига йўл олди. Таъкидлаш жоизки, Узоқ Шарқда бир кеча-кундузнинг ўзида ёнғинлар натижасида 40 минг гектар ўрмон куйиб кул бўлган.**

**• Жанубий Калифорния университети олимлари бир кунда икки маҳал қаҳва ичиш кишини йўғон ичакда юзага келиши мумкин бўлган саратон хасталигидан асрайди, деган хулосага келдилар. Зеро, сифатли қаҳва онкологик хасталиклар хавфини камайтиради. Буни текшириш мақсадида тажрибада коллекрактал саратон ташхиси қўйилган 50 минг бемор қатнашди. Тажриба қатнашчиларининг нимани истеъмол қилишига алоҳида эътибор қаратилди. Маълум бўлишича, одам қанча кўп қаҳва ичса, ҳаёти давомида ичак саратонига чалиниш хавфи шунчалик камаяр экан.**

Маҳалла — ҳаётимиз кўзгуси

# ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК РУҲИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартдаги қарорига мувофиқ шаҳримизнинг барча туманларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раиси ва маслаҳатчиларини сайлаш жараёни бошланди.***





Жумладан, Мирзо Улуғбек туманида ҳам бу жараёнга қизғин тайёргарлик кўрилди. Ҳар бир маҳаллада сайловларни очиқлик, ошкоралик асосида ва талаб даражасида ўтказиш учун маҳалла фаолларидан тузилган ишчи гуруҳлар, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ҳамда туман комиссиялари иштирокида сайловолди тадбирлари, учрашувлар, семинарлар ўтказилди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлари муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қонунларга кўра сайлов жараёнида номзодлар маҳаллий аҳоли ўртасида обрў-эътиборга ҳамда ҳаётий тажрибага эга, заҳматкаш инсонлар орасидан танлаб олиниши лозим. Тумандаги Алишер Навоий номли маҳаллада ўтказилган сайловда ҳам мазкур тамойилларга амал қилган ҳолда, улкан тажрибага эга, аҳолининг ҳурматига сазовор бўлган, зиёли инсонлар номзод сифатида кўрсатилди.

– Туманимиз шаҳримиздаги катта туманлардан бири бўлиб, у 54 та маҳалла фуқаролар йиғинидан ташкил топган, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Мирзо Улуғбек тумани бўлинмаси раиси Нурхон Алланазарова. – Бу йилги сайловлар олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Маҳалла оқсоқоли лавозимига билимли, фуқароларга намуна бўладиган, олий маълумотли ва ҳурматга сазовор инсонларнинг номзоди қўйилмоқда.

Алишер Навоий номли маҳаллада бўлиб ўтган сайловда номзодлар ўз дастурлари, келгусига мўлжалланган режалари билан сайловчиларни таништириб, берилган саволларга жавоб қайтаришди. Шундан келиб чиққан ҳолда сайловчилар маҳаллани обод қиладиган, фуқароларни бирдамликка, якдилликка чорлайдиган, ёшлар бандлигини таъминлашга, уларнинг тарбиясига беэътибор бўлмаган, ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ёрдами тегадиган, оилалар мустаҳкамлиги, фуқароларнинг тинч-тотув яшаши учун жон куйдирадиган, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган муносиб номзодга овоз беришди.

– Маҳалламиз тумандаги энг кўркам, аҳил маҳаллалардан бири, – дейди Алишер Навоий номли маҳалла фаоли Эркин Орифжонов. – Маҳалланинг гуллаб-яшнаши, фуқароларнинг бир-бири билан аҳил-иноқ ҳаёт кечиришида маҳалла раисининг ўрни катта. Очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига кўра муносиб номзодлардан бири Баҳодир Назаров маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси этиб сайланди. Сайловнинг муқобиллик ва ошкоралик руҳида ўтгани барчага маъқул келди.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатилган 15 номзод орасидан 11 нафари очиқ овоз бериш йўли билан маслаҳатчиликка сайланди.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам уюшқоқлик билан ўтмоқда.

**Абдували СОДИҚОВ**
**СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номли маҳаллада бўлиб ўтган сайловдан лавҳалар**
**И.Исмоилов олган суратлар**

Ахборот-коммуникация технологиялари

# ЭЛЕКТРОН САВДО МАЙДОНЧАСИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

***Пойтахтимизда "UzTrade" электрон ташқи савдо майдончасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда "Ўзтадбиркорэкспорт" акциядорлик жамияти, БМТ Тараққиёт дастури, масъул идора ва ташкилотлар вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида экспортни ривожлантириш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт имкониятларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Экспортчи корхоналар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида имтиёзлар тизими тобора такомиллаштирилмоқда, ташқи савдо тартиб-таомиллари соддалаштирилиб, операциялар нархи пасайтирилмоқда. Замонавий ахборот технологияларининг ҳаётга кенг татбиқ этилиши ишлаб чиқарувчиларнинг дунё бозорига кириб боришида янги имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг "Савдони ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "UzTrade" (www.tradeuzbekistan.com) электрон ташқи савдо майдончаси ана шу имкониятдан унумли фойдаланишга қаратилган.

Рус, инглиз ва хитой тилларида фаолият кўрсатаётган, осон ва қулай интерфейсга эга "UzTrade" электрон бозоридан мамлакатимиздаги барча тадбиркорлик субъекти фойдаланиши мумкин. Бунда корхона ишлаб чиқарилаётган маҳсулоти ҳамда ташкилот ҳақидаги тегишли маълумотларни мазкур интернет ресурсга жойлаштириш орқали дунёнинг исталган мамлакатида танишиш мумкин бўлган онлайн савдо уйига эга бўлади.

Электрон савдо майдончасида тадбиркорлик субъектлари харидор билан онлайн музокаралар олиб бориши ҳамда шартнома шартларини муҳокама қилиши мумкин. Бу ерда, шунингдек, муҳокамалар якуни бўйича экспорт шартномасини шакллантириш имконияти ҳам яратилган.

Интернет ресурсда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда "Ўзтадбиркор-экспорт" АЖ мутахассислари томонидан экспортчиларни ахборот ва маркетинг қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилгани экспорт амалиётлари билан боғлиқ масалаларнинг тез ва аниқ ҳал этилишини таъминлайди. Бундан ташқари, "Фойдали маълумотлар" бўлимида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, таҳлилий материаллар ҳамда бозор тенденциялари билан танишиш мумкин.

– Бугунги кунда савдо майдончасида мингдан зиёд корхона ўз маҳсулотларини таклиф этмоқда, – дейди ЎзА мухбирига "Ўзтадбиркорэкспорт" АЖ маркетинг бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Хўжаев. – Улар орасида "JV MAN Auto-Uzbekistan", Самарқанд автомобиль заводи сингари йирик саноат корхоналаридан тортиб канцелярия маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларгача борлиги хорижлик харидорларга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғидаги маҳсулотларни харид қилиш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти билан яқиндан танишиш имконини беради.

Тадбирда электрон савдо майдончасининг имкониятларини ошириш мақсадида ҳозирги вақтда "Google", "Яндекс" сингари халқаро қидирув тизимларига интеграциялашувини кенгайтириш устида иш олиб борилаётгани маълум қилинди. Иштирокчилар саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

**Б.БОЗОРОВ**

# ЯНГИ САМАРАЛИ ҒОЯЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

***Тошкент Ахборот технологиялари университетида "Менинг бизнес ғоям" танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.***

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначиликни фаоллаштириш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш, мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиш ва бизнесини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва 8 та тижорат банклари, Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси томонидан ҳам ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Танловни ташкил этишдан асосий мақсад — тадбиркорлик қобилиятига ва шу соҳада янги ва самарали ғояга эга бўлган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бизнес ғоясини қўллаб-қувватлаш орқали бандлигини таъминлашдир.

Танловнинг қуйи босқичи февраль-март ойларида ўтказилиб, унда пойтахтимиздаги 119 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларидан ўн беш мингдан ортиқ битирувчи ёшлар ўз иншо ва анкеталари билан қатнашди. Улардан энг яхши қатнашган 142 нафар иштирокчи шаҳар босқичига йўлланма олди. Тадбир 3 кунлик ўқув-семинар тарзида ўтказилди. Семинарнинг 1-2-кунида туман босқичида ғолиб бўлган ёшлар тижорт банклари мутахассислари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ёшларга яратилаётган имкониятлар, тадбиркорликнинг сирлари бўйича ўқитилди.

Танловнинг сўнгги кунида битирувчи ёшлар 2 кун давомида олган билимлари асосида ўз бизнес режаларини ишчи гуруҳ олдида тақдимот сифатида ҳимоя қилишди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан энг яхши инновацион бизнес режасига эга 15 нафар ёшлар саралаб олиниб, республика босқичига йўлланма берилди.

Танлов ғолиблари ва фаол иштирокчилари ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

**Қ.ЗОКИРОВ**

# ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

***Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳаларида, жумладан ички ишлар идоралари фаолиятида ҳам туб ислоҳотлар ўтказиш сиёсати олиб борилди.***

Президентимизнинг ташаббуси билан ички ишлар идораларининг бир қатор хизматларида замон талабидан келиб чиққан ҳолда ислоҳотлар ўтказилди, айтиш мумкинки бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Мамлакатимизда юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги борасидаги ички ишлар идораларининг устувор вазифаси жиноятчиликнинг олдини олишдир. Бу эса биринчи навбатда ИИВ ходимларини халққа яқинлаштириш ва бу билан аҳолининг ҳуқуқий билим савиясини юксалтириш орқали ҳар қандай ҳуқуқбузарликка, шу жумладан жиноятга, бутун жамият қаршилигини вужудга келтириш ҳисобланади.

Мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардан фуқароларни ва жамиятни террорчилик, кўпорувчилик хуружларидан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноят кўринишларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизимни шакллантириш, ички ишлар органларини шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантириш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Бугунги кунда ИИВ тизимида милиция таянч пунктларининг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки республикамиз бўйлаб фаолият юритаётган 3767 та милиция таянч пунктлари замонавий асбоб-ускуналар, моддий техника, шинам хоналар билан таъминланган. Юртбошимиз томонидан болалар спортини ривожлантириш устувор вазифа қилиб белгиланиб, ҳар бир милиция таянч пунктлари ёнида спорт майдончалари ташкил этилмоқда.

Профилактика хизмати фаолиятини такомиллаштиришнинг янги тизими — милиция таянч пунктларининг бугунги кунда жамоатчилик институтлари билан ҳамкорлиги самарали ташкил этилиб, республикамизда 91,3 фоиз ўзини ўзи бошқариш органлари милиция таянч пунктлари билан бир бинода ўз иш фаолиятини олиб бормоқда. Шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли иш олиб борилмоқда.

Жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда юқори кўрсаткичларга эришиб намуна кўрсатаётган милиция таянч пунктларини аниқлаш уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ҳар йили "Намунали милиция таянч пунктлари" республика танлови ўтказилиб келинмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича халқимизнинг бой қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда ривожланган хориж давлатларининг ижобий тажрибаларини ўзида тўла қамраб олган янги тизим — "Милиция таянч пунктлари" яратилди ва улар бугунги кунда муваффақият билан иш олиб бормоқда.

**Муҳриддин АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчиси**

## АМАЛИЙ СЕМИНАР

***Пойтахтимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашда акушерлик ишини самарали ташкил этишнинг аҳамиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари олимлари, шифокорлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тиббий таълимни ривожлантириш маркази директори М.Алимова, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори ўринбосари Р.Фозилбеков, ЮНФПАнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари М.Ябута ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда оналарнинг саломатлиги мустаҳкамланиб, болаларнинг соғлом туғилишига эришилаётганини таъкидлади.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар бу борадаги ислоҳотлар самарадорлигини янада оширмоқда.

Оналик ва болаликни асраш, туғма нуқсонларнинг олдини олишда акушерлик хизмати муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда бирламчи тиббий-санитария бўғинида бу йўналишда жаҳон андозалари даражасида тез ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш бўйича замонавий тизим яратилгани оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Семинарда аҳолига акушерлик тиббий ёрдами кўрсатиш борасидаги миллий тажриба ва халқаро тамойиллар, бу соҳага кириб келаётган янгиликлар, уларни амалиётга татбиқ этиш усулларига оид маърузалар тингланди. Антенатал ва перинатал тиббий хизматни самарали ташкил этиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, "бехатар оналик" дастурини қўллаш, чақалоқларни парваришлаш бўйича илғор технологиялар юзасидан тажриба алмашилди.

## ЁШЛАР УЧУН ТАДБИРКОРЛИК САБОҚЛАРИ

***Тошкент темир йўл муҳандислари институтида "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳаси доирасида семинар-тренинг ташкил этилди.***

Унда пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларининг талабалари бизнес ғоя, режа, маблағ йўналтириш, лойиҳалаштириш, янги иш очиш, банкка мурожаат этиш тартиблари, кредит олиш қоидалари, имтиёз ва имкониятлар хусусида маълумотга эга бўлди.

– Бу лойиҳа кўплаб ёшларни ишбилармонлик билан шуғулланишга ундамоқда, – дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки Миробод тумани бўлими мутахассиси Самариддин Аҳроров. – Буни банкимиздан ёшлар бизнес ғояси учун ажратилаётган кредитлар миқдори ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Йигит-қизларнинг тадбиркорликка оид билимларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилаётган бу каби семинарларнинг аҳамияти катта бўлаётир.

Тадбирда ўз бизнес ғояси билан мурожаат этган ёшларнинг таклифлари "Ёш тадбиркор" консультатив маркази мутахассислари томонидан кўриб чиқилиб, зарур тавсиялар берилди.

## ТАЛАБАЛАР КЎРГАЗМАСИ

***Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси билан ҳамкорликда "Мустақиллик даврида эришилган ютуқлар ёшлар нигоҳида" мавзуида кўргазма ташкил этилди.***

Университет ректори Р.Саидаҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ш.Тўхтабоев ва бошқалар Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, истеъдодини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароит яратилаётганини таъкидлади.

Кўргазмада университет талабаларининг истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари ҳақидаги фото ва тасвирий асарлари, инновацион ғоя ва ишланмалари намойиш этилди.

– Кўргазмада қуёш энергиясидан қувват оладиган "Гелимобиль" машинам билан иштирок этдим, – дейди университетнинг 2-курс талабаси Бобур Неъматов. – Бу машина соатига 70-80 километр тезликда юради, ёқилғи тежамкорлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ва рағбат бизни катта марралар сари руҳлантирмоқда.

**(ЎзА)**

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ

***Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ватандошларимизнинг номлари пойтахтимизнинг Хотира майдонида "Хотира китоби"нинг зарҳал варақларида абадий муҳрланган.***

Хотира – бу тарихдир. У бизга кечаги кун ўтмишини, аждодлар ўгитини, миллий меросимизни англатиб турувчи – муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Юнусобод тумани ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази, Мудофаа ишлари бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Инсон қадри улуғ, азиз, хотираси муқаддас" шиори остида "Уч авлод учрашуви" ташкил этилди. Тадбирга ҳарбий қисмлар ва ТАТУ махсус факультети ҳарбий аскар ва курсантлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, таълим муассасалари ўқувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Унда сўзга чиққанлар шу кунларга эришишимизда уруш жанггоҳларида жон олиб, жон берган ватандошларимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлашди, уларни хотирламоқ, ҳурматини жойига қўймоқ замондошларнинг бурчидир.

— Бугунги тадбиримизда "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Миллий академик театри, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вакиллари қатнашиб, ўз ҳиссаларини қўшишди, — дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими бош мутахассиси Муаттар Эшбадалова. — 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан инсоннинг улуғлигини, хотиранинг муқаддаслигини ёшлар қалбига чуқурроқ сингдириш, тинчлик, фаровонлик замонида яшаётганимизга шукроналик ҳис-туйғуларини уйғотишга асосий эътибор қаратдик. Таклиф этилган ўқувчилар музей бўйлаб саёҳат қилишди.

Тадбирда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандалари, 20-сонли маданият ва аҳоли дам олиш маркази санъаткорлари ижросида дилтортар куй-қўшиқлар янгради.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

# АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

***Тошкент Тиббиёт академияси 2-клиникасида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан "Аждодлар хотираси муқаддас ва барҳаёт" шиори остида тадбир ўтказилди.***



Тадбирда сўзга чиққан Тошкент Тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов ва бошқалар эл-юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида жонини қурбон қилган инсонларни хотирлаш, бу йўлда ҳаётини хатарга қўйиб, юрт шаъни, унинг осойишталиги учун жанг қилган ва бугун қарилик гаштини сураётган боболаримиз, фронт ортида меҳнат қилган онахонларимизни қадрлаш, улар ҳолидан хабар олиб туриш ҳар биримизнинг вазифамиз эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Иккинчи жаҳон уруши дунё тарихидаги энг катта фожиалардан бири бўлди. Унинг оқибатида миллионлаб одамларнинг ёстиғи қуриди. Хусусан, урушда қатнашган ватандошларимиздан 500 мингдан ортиғи жанг майдонларида ҳалок бўлишган, қанчадан-қанчаси бедарак йўқолган ва майиб-мажруҳ, ногирон бўлиб қайтишган.

Бугунги кунда ана шундай мусибатли кунларни бошидан ўтказган кексаларимизга давлатимиз томонидан чексиз ҳурмат-эътибор кўрсатилмоқда. Президентимизнинг шу йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони бу йўлдаги ишларнинг ёрқин намунаси бўлди. Мазкур фармонга биноан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Тадбирда Тошкент Тиббиёт академияси ва академия клиникаларида хизмат қилган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига эсдалик совғалари топширилди.

**Қутбиддин НИЗОМОВ**

***Халқимизда азалдан ўтганларни ёд этиш, Ватан, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида ўзини фидо қилган инсонларни ёрқин хотиралар билан эсга олиш, борларини эса қадрлаш, ҳурмат ва эътибор қаратишдек эзгу фазилат бор.***

# ҲАМИША ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДА

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни, деб эълон қилиниши мамлакатимизда инсон хотирасини қадрлашга берилаётган эътиборнинг яққол ифодаси бўлди.

Ички ишлар вазирлиги "ЖАР" спорт-соғломлаштириш мажмуасига қарашли Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб тадбир бўлиб ўтди.

Унда вазирлик марказий аппаратида ҳисобда турган, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан таклиф этилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда Ички ишлар вазирлиги фахрийлари иштирок этди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида ўтганларни ёд этиш, Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган ватандошларимизни хотирлаш, уларнинг борларини қадрлаш, шунингдек, юртимиз тинчлиги ва осойишталигига раҳна солишга уринган ақидапарастларнинг йўлини тўсиш, фуқароларимиз дахлсизлигини таъминлаш учун жон фидо қилган Ватан посбонларининг ёрқин хотираси ва жасоратини ёдга олиш яхши бир анъанага айланган.

– Хотира ва қадрлаш куни арафасида юртимизнинг барча жойларида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фронти фахрийларига чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда, – дейди Ички ишлар вазирлиги фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари Эркин Норгетов. – Албатта, буларнинг бари тинч ва осуда кунимиз, мустақиллигимиз шарофати биландир. Мана шундай кунларга етишимизда бу ерда ўтирган инсонларнинг юксак жасорати ва меҳнати сингган. Шу боис уларни қадрлашимиз, ҳолидан хабар олиб туришимиз лозим.

Президентимизнинг жорий йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонлари уруш ва меҳнат фронти фахрийларига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу фармонга биноан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 800 минг сўмдан пул мукофотлари ва вазирлик табрикномалари тантанали равишда топширилди.

– Мана шундай давраларда эъзоз ва эътиборда ўтирганлигимиз учун Президентимиз ва вазирлик раҳбариятидан миннатдормиз, – дейди уруш ва меҳнат фахрийси Қаҳҳор ота Холматов. – Ўша пайтларда бугунги кунларни орзу қилиш эртакка ишониш билан баробар эди. Мен, бугунги ёшлар тинчлик ва хотиржамлик энг улуғ неъмат, энг катта бойлик эканини тушуниб етишларини истайман. Унинг қадрига етиш, тинчликни таъминлашга ҳисса қўшиш ҳар бир катта-ю кичикнинг вазифасидир.

Тадбирнинг тантанали қисмидан сўнг санъаткорлар ва вазирлик ашула ва рақс ансамбли хонандалари иштирокида байрам концерти намойиш этилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

# ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

***Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Тошкент шаҳрида жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар йўлга қўйилган.***

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2016 йил 23 февралдаги "Ҳудудларда жамоатчилик экологик назорат тизимини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, қўмита раисининг 2016 йил 29 февралдаги буйруғи қабул қилинган бўлиб, унга асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларида экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини ташкил этиш ва инспекторлар фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга туманларда жамоатчилик экологик назоратини ташкил этиш ва экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар иштирокида жойларда ўқув семинарлари ва тушунтириш ишлари ўтказиб келинмоқда.

Тадбирлар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги "Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 17 февралда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик экологик назорати институтини ривожлантириш тўғрисида"ги 14/3-2551 тадбирлар режасидан келиб чиқиб, туманларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига услубий кўмак бериш орқали улар таркибида ҳамда шаҳримиз фуқаролари орасидан экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари ташкил этиш ва бошқа долзарб масалалар чуқур муҳокама этилади.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилаётган ушбу турдаги экологик назоратчиларга яқиндан амалий ва услубий кўмаклар бериш мақсадида қўмитада жамоатчилик экологик назорати фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус марказ ташкил этилган.

Марказ томонидан дастлабки ўтказилган ўрганишлар натижасида, Тошкент шаҳридаги 11 та туманнинг жами 505 та маҳаллаларида "Экологик ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича" махсус комиссияларнинг самарали фаолият юритиб келаётганлиги маълум бўлди.

Мазкур комиссиялар фаолияти ҳамда жойларда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида қўмита томонидан бевосита жойларга чиқилди.

Хусусан, Миробод туманидаги "Файзиобод" маҳалласида Наврўз байрами арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашари доирасида кўчалардаги ариқлар ва ирригация тармоқлари чиқиндилардан тозаланган, кўчалардаги дарахтлар оқланиб, уларга шакл берилган ҳамда 300 тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ва 500 га яқин ҳар хил турдаги гул кўчатлари экилган.

Қолаверса, маҳалла ҳудудида бўш қолган майдонлардан унумли фойдаланиш мақсадида, аҳоли томонидан 4 та янги боғлар барпо этилган бўлиб, улар ҳудудида 700 тупга яқин манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилган. Ушбу боғларга экилган кўчатларни аҳоли томонидан ўз вақтида парваришлаш ва доимий суғориш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Бундай ижобий ишларни шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Олмазор туманидаги Беруний, Зиё маҳаллалари, Бектемир туманидаги "Олтинтопган", Абай, Ҳусайн Бойқаро, "Мажнунтол" маҳаллалари, Яшнобод туманидаги "Гулистон", "Машинасозлар", "Тузель" маҳаллалари, Юнусобод туманидаги "Умид", "Ўзбекистон Мустақиллиги", "Аҳилобод" маҳаллалари, Мирзо Улуғбек туманидаги Нодирабегим, "Дархон", "Азамат" маҳаллалари, Чилонзор туманидаги "Катта Қозиробод", "1-Қатортол", "Новза" маҳаллалари, Яккасарой туманидаги "Қушбеги", "Дилбулоқ", "Яккасарой", "Яккасарой-2" маҳаллалари шулар жумласидандир.

Шу билан бирга шаҳримиздаги мавжуд жами 505 та маҳаллалар қошидаги комиссиялар таркибидан экологик назоратнинг жамоатчи инспектори бўлиш истагини билдирган 505 та фуқароларнинг аниқ рўйхати шакллантирилган бўлиб, ҳозирги кунда улар билан тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Қўмитанинг энг асосий мақсадларидан бири бу — экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйиб, уларнинг экология ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича билим ва кўникмаларини янада ошириш, улар иштирокида манзилли махсус ўқув семинарларини ташкиллаштириб, ҳар томонлама услубий кўмаклар беришдир.

Бу билан она юртимиз пойтахти ҳисобланган Тошкент шаҳрининг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Зеро, ҳар биримиз, атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга масъулдирмиз. Шундагина юртимизда ўсиб келаётган келажак авлодга нафақат соф мусаффо ҳавони таъминлаб берган, балки она табиатимизнинг гўзал манзараларини асллигича қолдирган бўламиз.

**Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ахборотлаштириш ва тарғибот бўлими**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

## "ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ИНСОНЛАРДА ҚОНУНГА ҲУРМАТНИ, ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ" МАВЗУИДА

**ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини**

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:**

1. Ҳудудий электрон ОАВда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, принциплари ва мақсадларини очиб беришга, Бош қонун нормалари меъёрлари ҳақидаги билимлар тарғиботига, 2011 ва 2014 йилларда унга доир қабул қилинган тузатишларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган махсус телерадио дастурлар, роликлар тайёрлаш;

2. Жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, уларнинг, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган (оддий фуқаролар, тадбиркорлар, пенсионерлар, ногиронлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари) қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида хабардорлигини янада оширишга қаратилган туркум маънавий-маърифий тадбирлар (давра суҳбатлари, семинарлар, теле ва радио дастурлар, матбуот ва интернет тармоғидаги мақолалар) ўтказиш;

3. Ҳудудий электрон ва босма ОАВда барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, турли соҳалар (йўл ҳаракати қоидалари, шаҳарсозлик нормалари, коммунал ва йўл хўжалиги, қўшнилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва бошқалар)да қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик фактларини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши муҳитини шакллантиришга қаратилган материаллар тайёрлаш;

4. Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ долзарб масалаларни аҳолига тушунтириш мақсадида телевидение, радио, босма нашрлар, интернет тармоғида махсус рукнлар тайёрлаш;

5. Шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд ҳуқуқий механизмлари ҳақида фуқароларнинг хабардорлигини оширишга, уларда амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билими, малакалари, кўникмалари ва тайёргарлигини шакллантиришга қаратилган мавзуга оид телерадио дастурлар, мақолалар тайёрлаш;

6. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлари, жойларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун уларнинг ваколатларидан фойдаланиш имкониятлари билан аҳолини таништириш бўйича кенг ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;

7. Ҳудудий ОАВда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, уни амалиётда қўллаш механизмлари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;

8. Қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши бўйича республикада олиб борилаётган ишлар (таклиф этилаётган янги нормаларнинг, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш механизмларининг аҳамияти) ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

9. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ижро этилиши борасида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларининг жамоатчилик ўртасидаги муҳокамаларини ўтказишга кўмаклашиш;

10. Аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш, ҳуқуқий билимларнинг тарғибот ишларини амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг устави (низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ва қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 10 майдан 10 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юборилади ва муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

## "ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН ЕТУК БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ" МАВЗУИДА

**ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини**

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:**

1. Ўсиб келаётган авлодда ота-онани, катталарни ҳурматлаш, кичикларга ғамхўрлик қилиш, меҳрибонлик ва инсонийлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик, Ватани ва халқига садоқат каби юксак ахлоқий сифатларни шакллантириш;

2. Кекса ёшдаги шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кўнгиллилар (волонтерлик) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишига ёшларни кенг жалб қилиш;

3. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, фуқаролик онгини юксалтириш, уларнинг мамлакатда давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

4. Ёшларнинг туғилиб ўсган ўз ўлкаси тарихи, маданияти ва меъморий обидалар ҳақидаги билимларини бойитиш, шу жумладан, махсус клублар фаолиятини ташкил этиш, экскурсиялар ўтказиш, ахборот материаллари, буклетлар, стендларни чоп этиш ва тарқатиш орқали бойитиш;

5. Ўсиб келаётган авлодда китоб ўқишга бўлган қизиқишни ривожлантириш, адабий дидни шакллантириш, китобга муҳаббат ва эҳтиёткор муносабатни тарбиялаш, ёшларда ўқишга бўлган интилишни ошириш, кундалик ҳаётда китоб ўқишнинг амалий қадрини очиб бериш;

6. Техник йўналишдаги касб-ҳунарлар нуфузини ошириш, ёшларда муҳандислик билимини эгаллаш, танланган мутахассислик бўйича юқори малака олишга бўлган интилишни шакллантириш;

7. Ёш авлодни фан ва санъатга қизиқтириш учун зарур шароитлар яратиш, ёшларнинг республика ва халқаро танловлар, олимпиадалар ва мусобақаларидаги иштирокини ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини амалга оширишини рағбатлантириш;

8. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи принципларини мустаҳкамлаш, жисмоний маданият ва спортни оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодни алкоголизм, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, "оммавий маданият"нинг салбий таъсирлари, тахдидларидан асраш;

9. Ёшларда соғлом ва обод оилани барпо этишга интилишни шакллантириш, уларнинг наслий ва туғма касалликлар профилактикаси масалаларига доир билимларини ошириш, оилада ижтимоий-психологик муаммоларнинг, эрта никоҳлар ва ажралишларнинг олдини олиш, ёшларнинг онгига тўй маросимларини ортиқча ҳашаматсиз ва ҳаддан ортиқ исрофгарчиликсиз ўтказишнинг муҳимлигини сингдириш;

10. Ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, айниқса, қишлоқларда оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

11. Имконияти чекланган болаларни ижтимоий мослаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларни спорт турларига, фан ва санъатга қизиқтириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

12. Ёшларда Ватанга чуқур муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан фахрланиш ва ҳарбий хизматга ҳурмат ҳисларини тарбиялаш мақсадида таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида ва маҳаллаларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш;

13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари нормаларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда жамоатчиликнинг, фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган устав (низом) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари ва қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори – 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 10 майдан 10 июнгача қабул қилинади.


Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Осиё чемпионати – 2016

# ЕЛИЗАВЕТА КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБАСИ





М.Амин олган суратлар

***Тошкентда бадиий гимнастика бўйича катталар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси ҳамкорлигида Халқаро гимнастика федерацияси ва Осиё гимнастика иттифоқи шафелигида ташкил этилган нуфузли мусобақада Ўзбекистон, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Гонконг, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Таиланд, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлар спортчилари ғолиблик учун баҳслашди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида қизларга мос спорт турлари, жумладан, бадиий гимнастика изчил ривожланмоқда.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида гимнастика марказлари ташкил этилган. Спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида бадиий гимнастика тўгараклари фаолият юритмоқда. Уларда қизлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланиб, соғлом ва баркамол бўлиб улғаймоқда, халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган етук спортчилар бўлиб тарбияланмоқда.

Бу пойтахтимиздаги Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабида ўтказилган бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионатида яна бир бор ўз ифодасини топди.

Уч кун давом этган мусобақаларда шахсий ва гуруҳлар ўртасида кўпкураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича баҳслар ўтказилди. Гимнастикачи қизларнинг ҳалқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариши, ижро маҳорати, мусиқа ва ритмни ҳис этиши, чаққон ва нафис ҳаракатлари мухлисларга завқ бағишлади.

Мусобақада Елизавета Назаренкова шахсий кўпкураш баҳсларида кумуш медални қўлга киритди.

Елизавета Назаренкованинг алоҳида предметларда бажарган машқлари ҳам ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. У булавада машқ бажаришда кумуш, тўпда ва ҳалқада машқ бажаришда бронза медалларни қўлга киритди.

– Осиё чемпионатида совриндор бўлганимдан беҳад хурсандман, – дейди Е.Назаренкова. – Мусобақанинг барча иштирокчилари жиддий тайёргарликка эга гимнастикачилар. Бу каби мусобақалар улкан тажриба тўплашимизга хизмат қилади. Келгусида жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ҳам ғалаба қозонишга ҳаракат қиламиз.

Осиё чемпионатида Жанубий Корея, Япония, Хитой, Қозоғистон гимнастикачилари ҳам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

– Тошкентда ўтган Осиё чемпионатида қатнашганимиздан хурсандмиз, – дейди Ҳиндистон терма жамоаси бош мураббийи Санживани Пурнапатре. – Ўзбекистон бадиий гимнастика мактаби ўзининг бой анъаналари ва номдор вакилларига эга. Мамлакатингизда бадиий гимнастика билан шуғулланиш учун яратилган шароит ва имкониятларга ҳавас қилса арзийди.

Чемпионат санъаткорлар ижросидаги концерт билан якунланди.

**Б.АЙТМУРОДОВ,**
**Ж.ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

Футбол янгиликлари

***Баҳрайнда футбол бўйича 19 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтишидан мухлисларнинг хабари бор.***

## ТАЙЁРГАРЛИК ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИ

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этадиган Жасур Абдураимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоамиз айни кунларда Беларусда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказмоқда. Машғулот йиғини доирасида Ўзбекистон ва Беларусь ёшлар терма жамоалари ўртасида икки марта назорат-ўртоқлик учрашуви уюштириліши режалаштирилган. Бу ўйинлар ёшларимиз учун тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг ноябрь ойида Беларусь ёшлар терма жамоаси Тошкентга келган ҳамда Ўзбекистон ва Беларусь ёшлар терма жамоалари ўзаро икки марта назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашишган эди.

## АНЖУМАНДА ҚАТНАШАДИ

***Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида жорий йилнинг 12-16 июнь кунлари футбол бўйича 2018 йилда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичида ишлайдиган ҳакамлар учун семинар ташкил этилади.***

Қувонарлиси шундаки, Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан уюштириладиган ушбу семинарга мамлакатимиздан уч нафар ҳакам — Равшан Эрматов, Валентин Коваленко, Ильгиз Танташев таклиф қилинган. Семинарда муваффақиятли иштирок этган ҳакамлар жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг сўнгги босқич учрашувларида иш олиб бориш имкониятига эга бўлишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Ўзининг тўпурарлик қобилияти ҳамда бир қанча ажойиб голлари билан мухлислар ёдида қолган Бахтиёр Давлатов хотирасига бағишланган турнир ўз ниҳоясига етди.***

## МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Бу йилги мусобақада 2002 йилда таваллуд топган футболчилардан тузилган ўнта жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда бош соврин учун майдонга чиқди.

Жамоалар давра шаклда тўрттадан баҳсда куч синашишди. Шундан сўнг ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган — "Машъал", "Гулистон", "Насаф" ва "Металлург" клублари ярим финалга йўл олди.

Ярим финал учрашувларининг биринчиси "Машъал" ва "Металлург" ўсмирлари ўртасида бўлди. Бу ўйинда бекободликлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб финалга чиқишди. Иккинчи ўйинда эса "Насаф" гулистонлик тенгдошларини 1:0 ҳисобида мағлуб этди.

"Насаф" ва "Металлург" ўртасидаги финал баҳси жуда қизғин ва муросасиз кечди. Ўйиннинг 60-дақиқасида бекободликлар томонидан киритилган гол уларга турнир ғолиблигини олиб келган бўлса, қаршилик ёшлар иккинчи ўринни эгаллади. Фахрли учинчи ўрин учун кечган беллашувда Икрем Репатов бошчилигидаги "Машъал" футбол академияси тарбияланувчилари "Гулистон" устидан 1:0 ҳисобида зафар қучди.

Турнир якунида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2016 йил 10 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан, 2015 йил 18 сентябрь кунги ЖСҲ-2-154/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уйнинг 23, 38, 41, 42, 49, 50, 53, 54, 62, 77, 78, 79, 80, 81, 87, 88, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 103, 104, 110, 116, 117, 119, 121, 122, 125, 126, 127, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 179, 180, 183, 191, 192, 193, 194, 195, 196-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 4655,58 кв.м. бўлган, 78-104-хонадонлар таъмирланган, қолган хонадонлар бўш ҳолатдаги уй-жойлар мажмуаси такроран қўйилмоқда. Мажмуанинг бошланғич нархи 10 953 437 504 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.
Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй.
Тел.: (0-371) 250-19-24.

*Лицензия: № RR-0017.*



***ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!***

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимдаги ходимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи "ишонч телефони" тизими жорий этилди.

**Ишонч телефони рақами: 239-35-21**
**Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.**



Сергели тумани ТСРЎИ томонидан 2011 йил 21 сентябрдаги 003180-06 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Сергели тумани, М.Ҳайдар кўчаси, Олтин водий 2-берк кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган "Toshkent oziq-ovqat tayyorlov savdo" масъулияти чекланган жамияти (қисқача номи "Toshkent oziq-ovqat tayyorlov savdo" МЧЖ) (СТИР 302103906) иштирокчининг 2016 йил 29 апрелдаги №1 сонли қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат давомида (91) 163-60-01 рақамли телефон орқали қабул қилинади.



Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокимияти томонидан "MEGA UNIVERSAL BIZNES" МЧЖ (ИНН 300304284), 11.08.2010 йилда берилган УС №006442 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



***Профессор С.Ҳасанов отоларинголог клиникаси***

▶ Барча томоқ-қулоқ-бурун касалликлари диагностикаси ва уларни даволаш;
▶ Гайморит, фронтит, этмоидитларни самарали ва пункциясиз даволаш;
▶ Аллергик ва вазомотор ринитларни даволаш;
▶ Йирингли ва йирингсиз отитларни даволаш. Эшитишнинг ёмонлашуви ва қулоқдаги шовқинни, қулоқнинг замбуруғли шикастланишини (отомикозлар) даволаш;
▶ Болаларда ларингитларнинг тез-тез қузатилиши, томоқда нарса тиқилиб қолгандек ҳис этиш, йўтал ва оғиздан ҳид келишини даволаш;
▶ Болалар ва катталарда сурункали тонзиллитлар (жарроҳлик усулисиз);
▶ Келин-куёвларга бепул маслаҳатлар.

Қабулни профессор ва юқори малакали мутахассислар олиб боради.

**Тел.: 234-36-50, 234-92-65, 187-57-50, 808-29-71**
**Манзил: "Гидрометцентр" бекати, "Минор" м.б., Осиё кўчаси,12**
**Хизматлар лицензияланган**



ЎЗГИДРОМЕТ UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **12 май** куни ҳаво ўзгариб тураді, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **12 май**да Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР







**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**



Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9225

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 555

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.10

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ